

## ИНТЕНСИВ БОҒДОРЧИ ЛИҚДА ЁЗГИ КЕСИШНИ ОЛМА ҲОСИЛДОРЛИГИ ТАЪСИРИАН

**Хамдамов Кимсанбой Қўзиевич**  
Андижон қишлоқ хўжалиги ва  
агротехнологиялар институти

**Анотация** Маълумки, мевачилик Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Республикада 2021 йилда ички истеъмол бозорини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида 1888,1 млн тонна мева талаб қилинади, ишлаб чиқариш 3380,2 млн тонна, 401,91 млн тонна узум талаб қилиниб, 1884,2 млн тонна ишлаб чиқариш пргноз қилиняпди.

**Калит сўзлар; мева тонна олма нав хосилдорлик дарахт.**

**Аннотация** Известно, что садоводство является одной из важнейших отраслей сельского хозяйства Республики Узбекистан. В 2021 году для наполнения внутреннего потребительского рынка основными продуктами питания и обеспечения ценовой стабильности в республике необходимо 1888,1 млн тонн фруктов, производство - 3380,2 млн тонн, винограда - 401,91 млн тонн, 1884,2 млн тонн - 1884,2 млн тонн. прогнозируется производство.

**Ключевые слова; яблоня с тоннами фруктов.**

**Abstract** It is known that gardening is one of the most important branches of agriculture of the Republic of Uzbekistan. In 2021, to fill the domestic consumer market with basic food products and ensure price stability in the republic, 1888.1 million tons of fruits are needed, production - 3380.2 million tons, grapes - 401.91 million tons, 1884.2 million tons - 1884.2 million tons. production is forecast.

**Keywords; apple tree with tons of fruit.**

**Кириш** Мутахассисларнинг таъкидлашича, юртимизда олма, ўрик, шафтоли, олхўри, бодом, ёнғоқ каби меваларнинг юздан ортиқ тури учрайди.

Мевачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти бениҳоя катта. Мева ва резавор- мевалар таркибида одам организми учун зарур бўлган шакар, органик кислоталар, оқсиллар, ёғлар, ошловчи, пектин, ароматик моддалар, коллоидлар, минерал тузлар, ферментлар, витаминлар манбаи. Меваларнинг хуштаъмлиги овқатнинг яхши ҳазм бўлишига ёрдам беради. Кўп мевалар шифобахш хусусиятга эга бўлиб, организмнинг ҳимоя кучини сақлайди ва мустаҳкамлайди. Мева ва резавор-мевалардан консерва, мураббо, пастила, повидло, шарбатлар ҳамда винолар тайёрланади. Уларнинг кўпчилиги қуритилиб, ажойиб қуриқ мева маҳсулотлари (туршак, қоқи, қайса, курага ва бошқалар) тайёрланади. Бу хилдаги қуритилган меваларни узоқ сақлаш, мазаси ва тўйимлилик сифатига унчалик зарар етказилмаган ҳолда узоқ жойларга олиб бориш мумкин. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда аҳоли жон бошига кунига камида 330-400 г ёки йилига 115-120 кг мева, шундан 15 кг узум ва 10 кг резавор-мева етиштирилиши керак. Ўзбекистон ўлка тиббиёт институти республика аҳолисининг узум истеъмол қилиш нормасини 25 кг га оширишни ва бунга қўшимча яна 10-11 кг қуритилган мевалар истеъмол қилишни тавсия қилади. Лекин, бугунги кунда аҳоли жон бошига йил давомида 94 килограмм мева, шундан 12 килограмм узум ишлаб чиқарилмоқда. Бу кўрсаткич АҚШ, Италия, Испания, Франция каби мамлакатларда 120-230 килограммни ташкил этмоқда. Мева дарахтлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар эраимизгача бўлган В асрда учрайди. Мевачилик ва унинг маҳсулотлари янги эранинг Х асридан бошлаб товар хусусиятига эга бўлган. Чунки, ана шу вақтдан бошлаб қўшни мамлакатлар билан мева ва мева маҳсулотлари савдоси ўрнатилган Олма жанубий туманларида мева дарахтларининг энг қимматли турларидан бири ҳисобланади. Ўтқазилганидан кейин учинчи, баъзан иккинчи йили ҳосилга киради. Меваси янгилигича ва қайта ишланган ҳолда истеъмол қилинади. Меваси чиройли рангли сершира, майин, хушбўй, қанд ва кислота уйғунлашган ёқимли маза беради. Ундан компот, жем, цукатлар мураббо,

мармелад ва бошқа махсулотлар тайёрланади, қуришиб қоқи ҳам қилинади. Музлатиб қўйилган олманинг маззаси яхши сақланади. Олманинг сифати, хўжаликда ишлатилиши ва пишиши муддатлари турлича бўлган 5000 га яқин нави маълум. Олманинг ватани Россия ҳисобланади. Бу ердаги тоғларда ёввойи ҳолда ўсаётганлари топилди.

**Экиш схемаси** – Пальмет шаклда дарахтлар сони гектарига 2,5-3,0х 2,5-3,5м схемада 950-1600 та. Дарахтлар экиш схемаси 3,5 х 1,25м Дарахтлар сони гектарига 2057 та Шохларни ёзги буташ талаб этади

**Суғориш** – олмани тупроқ иқлим шароитидан келиб чиқиб, 6 мартадан 10 мартагача суғорилади. Унимдор тупроқларда 6-8 марта, 800-100м<sup>3</sup> сув сарф этилади. Шағалли тупроқларда 8-10 марта 600 м<sup>3</sup> сув сарф этилади.

**Ўғитлаш** – тупроқ унимдорлигига қараб минерал ўғитлар 100-120 кг азот, 100-120 кг фосфор, 60-70 кг калий ўғитлари соф ҳолда солинади.

Янги боғлар барпо этишда, улар атрофига шамол тўсувчи ихота дарахтзорлар барпо этиш катта аҳамият касб этади. Афсуски, кўпгина хўжаликларда бу тадбир эсдан чиқиб, натижада ёш мевазорлар кучли шамол ва қишки совуқлардан зарар кўради. Шу билан бирга мевалар шикастланиб, ерга тўкилади. Ихота дарахтзорлари боғ чегарасида, шамол кўпроқ эсадиган томонда мева дарахтларидан 15-20 м масофада олти-саккиз қаторли полосалар шаклида барпо этилади. Бунинг учун терак, ёнгоқ, заранг, тол, ўрик ўтқазилади. Қаторлардаги дарахтлар ўртасида 1-2 м дан колдирилиб, кейинчалик қатор оралари 2,5,3 м гача сийраклаштирилади. Боғ ичида кварталлараро йўллар бўйлаб, баланд дарахтлардан бир-икки қаторлаб шамол тўсувчи дарахтлар (терак ва ҳоказо) ўтқазилади.

Ўсув давр ва суғориш туфайли мева дарахтлари бақувват ўсиб, юкори ҳосил беради. Бунда мева дарахти кучли илдиз системаси кўп микдорда озика моддалари ва сув сарфлайди.

Шу нарса аниқланганки, тупроқнинг илдиз ўсадиган катламларида 18-20% намлик мавжудлигида мева дарахтлар

## Пакана пайвантагларда етиштирилаётган олма навлари

№	Нав	Пишиш муддати	Мева вазни, гр	Мева териш муддати	Пайвандтаг	Ўстириш усули
1	Первенец Самарканда	Ёзги	100-130	25-30 июнь	Пакана бўйли	Эркин
2	Старк Эрлист	Ёзги	80-100	1-5 июль	Пакана ва ярим пакана	Симбагазда
3	Кинг Девид	Кузги	100-120	1-10 август	Пакана ва ярим пакана	Эркин, симбагазда
4	Пармен зимний золотой	Кузги	100-120	5-15 август	Пакана бўйли	Симбагазда
5	Джона ред	Кузги	140-160	20-25 август	Пакана ва ярим пакана	Эркин, симбагазда
6	Роял ред делишес	Кузги	150-180	25-30 август	Пакана ва ярим пакана	Эркин, симбагазда
7	Голден делишес	Кузги	130-150	01-10 сентябрь	Пакана	Эркин, симбагазда
8	Ренет Семиренко	Қишки	120-140	20-30 сентябрь	Пакана ва ўрта бўйли	Эркин, симбагазда
9	Нафис	Қишки	160-180	5-10 октябрь	Пакана бўйли	Симбагазда

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Рахмонова, М. К., & Қодиржонова, Қ. М. (2023). Тут парвонасига қарши биологик кураш. *Ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali*, 3(9), 97-101.
2. Рахмонова, М. К., Севара, Қ., & Абдулазизова, С. (2023). Комосток қурти биологиси тарқалиши учраш даражалари. *The theory of recent scientific research in the field of pedagogy*, 1(13), 26-29.
3. Рахмонова, М. К., Шарипова, М., & Анваржонов, Б. (2023). Бог зараркурандаларига қарши кураш усуллари. *Научный Фокус*, 1(5), 181-184.

4.Шукуров, Х. Х., Рахмонова, М. К., & Эргашова, Х. И. (2023). Нокнинг зараркунандаси нок ширинчаси (*psylla rugi* l) биоэкологияси ва уларга қарши кураш усуллари. *Science and innovation*, 2(Special Issue 6), 731-733.

5.Мирабдуллаева, Н., & Рахмонова, М. К. (2023). “Шарқ мевахўри (*grapholitha molesta* busck)” биологияси ва тарқалиши. *Scientific aspects and trends in the field of scientific research*, 1(10), 54-56.